



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 17 сентябрь, № 203 (8265)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШХТ МАКОНИДА БИРДАМЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРИХИЙ АНЖУМАН

2022 йил 16 сентябрь куни Самарқанддаги «Буюк Ипак йўли» халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.



SHANXAY HAMKORLIK TASHKILOTIGA A'ZO DAVLATLAR RAHBARLARI KENGASHI YIG'ILISHI
2022-yil 15-16 sentabr, Samarqand

ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА ГЛАВ ГОСУДАРСТВ-ЧЛЕНОВ ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА
15-16 сентября 2022 года, Самарканд



上海合作组织成员国元首理事会会议
(2022年9月15-16日, 撒马尔罕)

MEETING OF THE COUNCIL OF HEADS OF THE SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION MEMBER STATES
15-16 September 2022, Samarkand

2015-2016 йилларда раислик қилган. Ўзбекистоннинг тўртинчи — 2021-2022 йиллардаги раислиги қизғинлиги, мазмундорлиги ва натижага қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Самарқанд мезбонлик қилаётган ШХТнинг бу галги саммити ҳам аънаёна кўра, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирасида учрашуви билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган учрашувда Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Президенти Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин ва ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ихроия кўмитаси директори Руслан Мирзаев иштирок этди.

Самарқанд саммити кун тартибига мувофиқ, давлат раҳбарлари ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақада юзага келаётган сиёсий ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда ШХТга раислиги натижалари юзасидан ахборот берди. Қайд этилганидек, бу даврда 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Пандемиянинг мураккаб оқибатлари ва янги хавф-хатарларга қарамай, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги режаси тўлиқ бажарилди.

Бугунги кунда дунёдаги нуфузли халқаро тузилмага айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой,

Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган декларация асосида ташкил этилган. Ҳазор ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-

иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик,

хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солган

давлатлардан бири сифатида унинг фаолиятида муҳим ва фаол роль ўйнамоқда. Ўзбекистоннинг ташаббуслари ШХТнинг халқаро нуфузини ва салоҳиятини

юксалтиришга, кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамisha хизмат қилиб келган. Мамлакатимиз шу пайтгача ШХТга 2003-2004, 2009-2010 ҳамда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Ҳурматли саммит иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида чин дилдан қўллайман.

Қадимий ва меҳмондўст Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар раҳбарларини, фахрий меҳмонларимиз ва халқаро ташкилотлар вакилларини шахсан қабул қилиш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Буюк Ипак йўлининг қоқ юрагидан жойлашган бу муаззам шаҳар минг йиллар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар маркази сифатида хизмат қилиб келган.

Бугунги кунда пандемия ва дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, Самарқанд яна бир бор Евроосиёнинг улкан макони етакчиларини бирлаштиргани, халқаро сиёсат ва иқтисодиёт марказига айлангани қувонарлидир.

Мен анжуманимизда биринчи мартаба иштирок этаётган давлат раҳбарлари — Покистон Ислом Республикаси Бош вазири жаноб Шаҳбоз Шариф, Туркия Республикаси Президенти жаноб Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Республикаси Президенти жаноб Илҳом Алиев, Туркменистон Президенти жаноб Сардор Бердимухамедовни самимий қўллайман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!
Ҳурматли учрашув иштирокчилари!
Биз ШХТга раислик давримизда Ташкилотимиз доирасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш,

унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга интилдик.

Хавфсизлик масалалари билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга устувор эътибор қаратилди.

Ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамасдан, Раислик режасини биргаликда тўлиқ амалга оширишга муваффақ бўлдик. 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз бугун қабул қилинган 40 дан ортиқ ҳужжатда ўз ифодасини топган.

ШХТнинг барча давлатлари, шунингдек, Ташкилот Котибияти ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ихроия кўмитасига раислигимизга фаол ёрдам

бергани учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!
Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва моjarолар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди.

Иқлим ўзгариши, сув ва табиий ресурсларнинг етишмаслиги, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози каби замонамиз муаммолари барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан очиб ва конструктив мулоқотни

давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилмоқда.

Ташкилотимиз фаолияти шундай мулоқотни амалга ошириш мумкинлигини дунёга намоян этмоқда.

ШХТ очкилик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда чуқурлаштирмоқда. ШХТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатларимиз ривожланиб бормоқда.

Бугун Эрон Ислом Республикасининг Ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланмоқда. Ушбу тарихий воқеа билан Эрон Президенти жаноб Иброҳим Раисийни ва барча ҳамкасбларимизни чин қалбимдан табриқлайман.

ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашув ўтказди.



Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни Ҳиндистон мустақиллигининг 75 йиллиги билан самимий табриқлади.

Томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва стратегик шериклик муносабатларини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишди.

Икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш суръатлари мамнуният билан қайд этилди.



ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

16 сентябрь куни ШХТнинг Самарқанд саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан учрашуви бўлиб ўтди.



Режеп Таййип Эрдоган Ўзбекистон раҳбарини ШХТ саммити муваффақиятли ўтказилгани билан табриқлаб, фахрий меҳмон сифатида иштирок этиш

таклифи учун миннатдорлик билдирди. Учрашувда етакчилар ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигини

фаоллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Миср Араб Республикаси ва Қатар Давлатига мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш тўғрисидаги меморандумлар имзоланишини мамнуният билан қабул қиламиз. Бундан ташқари, биз Беларусь Республикасига ШХТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувейт Давлати, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига — мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш борасида процедураларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилмоқдамиз.

ШХТнинг географик қамрови кенгаётгани ўз мисолида самарадорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва амалий саяё-ҳаракатларни намойиш этаётган Ташкилотимиз фаолиятининг долзарблигини яна бир тасдиқламакда.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! ШХТ ўз тараққийотининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўймоқда. Зиммамизда ҳамкорликнинг қўлпаб устувор вазифаларини биргаликда ҳал этиш масъулияти турибди.

Бизнинг фикримизда, авваломбор, Ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очкичлигини сақлаб қолиш мумкиндир.

Биз хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига қатъий риоя қиламиз. ШХТнинг фаолияти кенг ҳамкорликка йўналтирилган бўлиши лозим. Марказий Осиё ШХТнинг “географик ядроси” мақомини сақлаб қолиши кераклигига ҳам ишончимиз комил.

“Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўлпаб-қувватлаш ва шерикликни мустақамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. Биз фақат шу йўл билангина ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин.

Ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги ҳалқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШХТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга қирришшимиз мумкин, деб ҳисоблайман. Ушбу дастуриламал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг барча йўналишларини қамраб олиши, ШХТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши лозим.

Аввало, иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш гоят мумкиндир. Бу масала минтақада барқарорликни таъминлаш ва мамлакатларимиз аҳолиси фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Кўриниб турибдики, кўпроқ иқтисодий барқарорликка эришиш учун минтақавий ҳамкорликнинг ишончли моделларидан фойдаланиш зарур. ШХТ мамлакатлари ўртасида қисқарқ “таъминот таянчи”га эга ишлаб чиқариш занжирларини яратиш учун амалий ҳаракатларга ўтиш ўта мумкиндир.

Биз ШХТ мамлакатлари иқтисодиётларининг бир-бирини ўзаро тўлдириб боришдага афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд салоҳиятни максимал даражада оширишдан манфаатдормиз. Шу муносабат билан ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш асосида саноат ва технология ҳамкорликнинг умумий мақомини шакллантириш тақлиф этамиз.

Унинг асосий вазифаси савдо ва боқжона тўсиқларини бартаф эйтишга, қароланган ва барқарор ишлаб чиқариш ва таъминот занжирларини шакллантириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрини

босишга қаратилган қўшма дастурларни рағбатлантиришни кўзда тутади.

Шунингдек, бу вазифа ўзаро сармоёларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, уларни, биринч навбатда, инфратузилмани ривожлантириш, рақобатбардош саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш орқали биз яратган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг барча механизмларини бирлаштириш ва фаоллаштиришдан иборат бўлади.

Мамлакатларимиз ўртасида кенг қўламли иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ҳамжихатликнинг аниқ натижаларига эришиш мақсадида Ўзбекистонда ШХТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказишни тақлиф этамиз.

Саноат кооперациясини чўқурлаштириш ва ўзаро савдонин рағбатлантириш мақсадида ШХТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш тарафдоримиз. Биз келгуси йилда Самарқанда “Ўзбекистон — ШХТ” саноат зонаси базасида махсус зоналар администрациялари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказишга тайёрмиз.

Яна бир чора-тадбир сифатида ҳар йили ШХТ йирқи савдо ярмаркасини ўтказишни, унинг асосида ягона электрон платформа яратишни тақлиф этамиз. Биз қабул қилаётган Минтақаларо савдонин ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси ҳам бунга ёрдам беради.

Яна бир муҳим масалалга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шуни тан олиш керакки, мамлакатларимиз қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат мақсулотларининг йирқи ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамаздан, ШХТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжихатликни йўлга қўя олмадик.

Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларни бошқоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот мақсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ўшбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўлишимиз керак.

Шу муносабат билан Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Ушбу ҳужжатда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани яқинлаштириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликларни жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутиш мумкин аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат мақсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, “яшил” ва экспресс-йўлакларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ушбу ҳаётий масалаларни кенг муҳомада қилиш мақсадида келгуси йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ҳалқаро конференция ўтказишни тақлиф этамиз.

Хурматли ҳамкасблар! Бугун биз ШХТнинг ўзаро боғлиқликни мустақамлаш ва самарали транспорт йўлақларини яратиш концепциясини қабул қилмоқдамиз.

Концепциянинг асосий қондаларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўлпаб-қувватлаши остида Тошкент

шаҳрида Минтақаларо ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этишни тақлиф қиламиз.

Шунингдек, саммит доирасида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битимнинг имзоланишини ҳам тарихий воқеа, деб ҳисоблаймиз.

Сизларни стратегик жиҳатдан яна бир муҳим лойиҳа — Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўли коридори қурилишини ҳам қўлпаб-қувватлашга чакирамиз.

Ушбу икки лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро боғлиқликни мустақамлаш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, умуман олганда, Ташкилотимиз мақонида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун кенг имкониятлар очади.

Транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги барча истиқболли лойиҳаларни биз келгуси йили Ўзбекистонда ШХТ биринчи транспорт форуми доирасида муҳомада қилишимиз мумкин бўлур эди.

Кун тартибидаги экологик муаммолар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Бугун Иқлим ўзгаришига муносабат бўйича қўшма баёнот қабул қилиш орқали ШХТ ушбу хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишга бирдамликни намоеён этмоқда.

Шу билан бирга, барчамиз учун ҳаётий ўта муҳим бўлган ушбу соҳада амалий ҳамкорликнинг янги механизмлари ва шакллари зарурдир.

Биз ўз таркибида сиёсатчиларимиз, жамоат арбоблари, олимлар ва эксперт-экологлар, бизнес вакилларимизни бирлаштира оладиган ШХТ Иқлим кенгашини тузишни тақлиф қиламиз.

Бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, қўланишга ва тупроқ деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради.

Бу масала Орол денгизи экологик фоқиясининг ҳалокатли оқибатларини бартаф эйтиш нуқтани назаридан алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Хавфсизлик соҳасидаги самарали ҳамкорлик ШХТ ривожланишининг муҳим шартидир. Янги реаллик шароитида мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни мустақамлаш долзарб масала ҳисобланади.

ШХТ минтақавий аксилтеррор тузилмаси самарадорлигини ошириш, жулмадан, хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлардан оғохлантириш ва уларга тезкорликда муносабат билдиришга оид шартномаларимиз асосида ушбу тузилманинг фаолиятини тақомиллаштиришнинг аллақачон мавриди келган.

Мамлакатларимиздаги вазиятнинг баҳолаш ва бугунги воқеликни ҳисобга олган ҳолда мажмуавий қарорлар қабул қилиш учун Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг йиллик сайёр йиғилишлари амалиётини йўлга қўйиш мумкиндир.

Радикализмнинг ўсиб бориши хавфли тенденцияга айланмоқда. Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носогол мафқураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, кўп жиҳатдан аллақачон замонавий ҳаётни белгилаётган хавфсиз ахборот-коммуникация

технологияларини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратишни истар эдим.

Фақат кўчларни бирлаштириш орқали, бир пайтнинг ўзиде, ахборот мақонидеги таҳдидларни қамайтира борган тақдирдагина биз рақамлаштириш афзаллиқларидан тўла фойдалана олишимиз мумкин.

Киберхиноятчиликка қарши курашиш учун қўшма платформани яратиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмақлашиш, бу бордаги ишларни мувофиқлаштиришни қучайтириш ШХТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим.

Ушбу масалалда яқинда бўлиб ўтган Тошкент конференциясини қўлпаб-қувватлаганиликлари учун ҳамкасбларимизга алоҳида миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мазкур анжуманда афғон делегацияси, қўлпаб-давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг, жулмадан, ШХТ вакилларининг иштироки жаҳон ҳамжамятининг ушбу мамлакат билан ҳамкорлик бўйича мувофиқлаштирилган ёндашувларини ишлаб чиқишга бўлган интилишини тасдиқлайди.

Шуни таъкидлашни истардимки, афғон халқи яхши қўшнчилик ёрдамимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни тақоррамаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирамаслигимиз лозим.

Санкциялар сиёсатининг қучайтирилиши ва Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати янада аққалангани муқаррар равишда мамлакат ичиде радикаллашувнинг қучайишига олиб келади ва уни террорчилик ташкилотлари учун плацдармига айлантиради.

Шу боис биз Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан илгари қабул қилинган, шу жулмадан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариши бўйича Қобул билан конструктив алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, Афғонистонни гуманитар қўлпаб-қувватлаш бўйича махсус фондини бизнинг мазкур мамлакатга чегарадош бўлган Термиз шаҳрида — у ердаги мавжуд транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, биргаликда таъсис этишни тақлиф қиламиз.

Фонд маблағлари ушбу мамлакатдаги ижтимоий инқирозни бартаф эйтиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Хурматли саммит иштирокчилари! Маданий-гуманитар алоқалар аънаваний равишда ҳамкорлигимизнинг мустақкам асосини шакллантиради. Халқларимиз ўртасидаги мустақкам дўстлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш ШХТ минтақасидаги тинчлик ва кенг қамровли шерикликнинг гаровидир.

Бугун қабул қилинаётган Узоқ муддатли яхши қўшнчилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича комплекс режа айнан шу мақсадларга қаратилган.

Маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш тамойилига таянган ҳолда, Ташкилотимиз миллионлаб одамларга маданиятлараро мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имкониятлари эшикларини очиб беради.

ШХТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кўнлари, қўшма спорт тадбирлари

ШХТ МАҚОНИДА БИРДАМЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРИХИЙ АНЖУМАН

Саммитда имзолаш учун салмоқли ҳужжатлар тўғлами — 40 дан зиёд битим ва қарорлар тақдим этилди. Уларда ШХТ давлатларининг ўзаро боғлиқликни мустақамлаш, саноат кооперацияси, “яшил иқтисодиёт”, рақамлаштириш, савдо каби энг муҳим ва истиқболли йўналишларда ҳамкорлик қилишга доир умумий ёндашувлари акс этган.

Президентимиз ШХТ тарихан қисқа даврда минтақавий ва глобал жараёнларнинг таъсирчан иштирокчисига айланганини таъкидлади. Хавфсизлик ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли сифатида, ташкилотнинг барқарорлаштирувчи роқли бўлиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ШХТнинг блокларга қўшилмаслик мақомини, очкичлик ва кенг ҳамкорликка қаратилган руҳини сақлаш, муроса, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат принципларига амал қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шуларни ҳисобга олиб ҳамда ШХТ доирасидаги кўп қиррали шерикликнинг самарали тажрибасига таяниб, давлатимиз раҳбари яқин йилларда ҳамкорликнинг асосий йўналишларидаги устувор вазифаларни ҳал этишга доир аниқ тақлиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, ШХТ фаолиятини бугунги воқеликка мослаштириш, иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳаларида ҳамкорлик қилиш, транспорт жиҳатдан ўзаро боғлиқликни мустақамлаш, экология масалалари, маданий-гуманитар алоқаларга тўхталиб ўтилди. Хавфсизлик муаммолари ва Афғонистондаги вазиятни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ШХТ келажаги ва мамлакатларимиз ривожни кўп жиҳатдан баҳамжиҳат ва самарали ишлашга боғлиқ эканини таъкидлади. “Биз биргаликда минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадида, мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз тараққуёти ва фаровонлиги йўлида ташкилотни янги марраларга олиб чиқишга қодирмиз”, дея ишонч билдириди Шавкат Мирзиёев.

Аъзо давлатлар таъкидлаши ўз чиқишларида ШХТ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларига, минтақавий ва халқаро хавфсизлик муаммоларига тўхталиб ўтилди. Самарқанд саммити алоҳида, тарихий аҳамиятга эга экани қайд этилди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси кузатувчи мамлакатлар, фаҳрий меҳмонлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган тарихида давом этиди.

Саммит бундай кенг форматда — 14 та мамлакат етакчилари иштирокида биринчи марта ўтмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тарихидаги мажлисида ташкилотга аъзо мамлакатлар ва унинг тузилмалари етакчилари билан бирга ШХТ ҳузуридеги кузатувчи давлатлар раҳбарлари ва саммитнинг фаҳрий меҳмонлари — Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Эрон Ислоом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Мўғулистон Президенти Унаагийн Хурэлсух, Туркия Республикаси Президенти Реже Таййип Эрдоган, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимўхамедов ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, шу жулмадан, БМТ Бош котибининг ўринбосари Розмары Дикарол катнашди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нуқтида ташкилотга Ўзбекистон раислиги даврида ШХТ доирасида ахборот-коммуникация технологиялари, озиқ-овқат хавфсизлиги ва камбағалликни қисқартириш каби соҳалардаги ҳамкорликнинг янги формат ва механизмлари ишга туширилганини таъкидлади.

Иқтисодиёт, саноат, инновациялар, туризм, соғлиқни сақлаш, халқ дипломатияси, гендер тенглиги ва аёллар тадбиркорлигини илгари суриш борасидаги долзарб масалалар бўйича форумлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Мамлакатимиз етакчиси ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан аниқ тақлифлар ва амалий ташаббусларни илгари сурди.

Осиё бундан буён ҳам ШХТнинг “географик ядроси” бўлиб қолиши керак.

“Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўлпаб-қувватлаш ва шерикликни мустақамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. “Биз фақат шу йўл билангина ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин”, деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги ҳалқаро вазиятнин ҳисобга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари ШХТни 2040 йилгача Ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш тақлифини билдирди. Ушбу дастурий ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча жаҳасини қамраб олиш, ШХТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга қаратилган.

Иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш мўмкинлиги қайд этилди. Шу мақсадда ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини йўлга қўйиш, Ўзбекистонда ШХТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш, аъзо мамлакатларининг махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш, ҳар йили ШХТ йирқи савдо ярмаркасини ўтказиш ва унинг негизида ягона электрон платформа яратиш тақлифлари илгари сурилди.

Жаҳондаги озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози ШХТда бу борада фаол ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш ва келгуси йилда Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш тақлифини билдирди.

ШХТ мақонида транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни қучайтириш зарурлигига эътибор қаратилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўлпаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳрида Минтақаларо ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битим имзоланганини тарихий воқеа сифатида баҳолаб, иштирокчиларни стратегик жиҳатдан яна бир муҳим лойиҳа — Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўли қурилишини ҳам қўлпаб-қувватлашга чакирди.

Шу ва бошқа масалаларни муҳомада қилиш учун Ўзбекистон ШХТнинг Биринчи транспорт форумини ўтказиш ва унинг яқинида Қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга тайёрлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари экологик таҳдид ва хатарлар ортиб бораётганини таъкидлаб, ШХТнинг Иқлим кенгашини тузишни тақлиф этди. Ушбу механизм “яшил тараққуёт”, қўланиш ва тупроқ таъазулига қарши курашиш, экологик лойиҳалар, шу жулмадан, Оролбўйи учун инновацион ечимлар ва моливий маблағлар жалб қилишга қўмақлашади.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Президенти бу борадаги устувор вазифалар қаторида мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни қучайтириш, хавфсизликка таҳдид ва хатарларнинг олдини олиш ҳамда уларга тезкорликда жаовб қайтариш бўйича ШХТ МАТТ фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини қайд этди.

Шу билан бирга, ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носогол мафқураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш тақлиф этилди. Дунёда радикализмнинг ўсиши хавфли тенденцияга айланаётган ҳозирги шароитда бу айниқса мумкиндир.

Давлатимиз раҳбари афғон халқи яхши қўшнчилик ёрдамига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож экани, ўтмишдаги хатоларни тақоррамаслик кераклигини таъкидлади.

Шу муносабат билан Термиз шаҳридаги транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда Афғонистонни гуманитар қўлпаб-қувватлаш бўйича махсус фонд таъсис этиш тақлиф қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев маданий-гуманитар алоқалар аънаваний равишда ҳамкорлигимизнинг мустақкам асоси эканини таъкидлади. Маданиятлар ва аънаванлар хилмахиллигини ҳурмат қилиш миллионлаб одамларга дўстона мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имкониятларини очиб беради.

— ШХТ фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

— Шунингдек, ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг:

- иқлим ўзгаришига нисбатан жаовб ҳаракатлари тўғрисида;
- ишончли, барқарор ва диверсификациялашган етказиб бериш занжирларини таъминлаш тўғрисида;
- глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида;
- энергетик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги баёнотлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида қуйидаги ҳўжатлар имзоланди:

- Эроннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум;
- ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

- ШХТга аъзо давлатлар ўртасида хизматлар савдоси соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳадли асослари;

- ШХТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида музей иши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Томонлар барча йўналишда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида биргаликда ишлашга тайёр эканликларини таъкидлашди.

Етакчилар ўзаро савдо ҳамжи омиб бораётганини эътироф этишди. Жорий йил бошидан буён товар айирбошлаш 30 фоизга ўсди. Кейинги олти йилда қўшма корхоналар сони 5 баробар кўпайди.

Ўзбекистонда инвестициявий, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида инвестициявий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширилмоқда. Яқин йилларда ўзаро савдонинг 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш дастурларини, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш, ўзаро ҳимоя қилиш битимини тез фурсатда қабул қилиш ва амалга ошириш зарурлиги айтилди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Ҳиндистон билан транспорт алоқаларини, шу жумладан, “Чоъбор” портдан фойдаланган ҳолда мустаҳкамлашдан манфаатдор экани таъкидланди.

Маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари музокара-ларнинг алоҳида мавзуси бўлди. Кейинги йилларда Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг учта университети филиали очилди.

Биринчи “Ҳиндистон — Марказий Осиё” онлайн саммитининг якунлари ҳамда баҳоланди, ушбу платформа доирасида қабул қилинган келишувларни рўйбга чиқариш муҳимлиги қайд этилди. Ҳиндистон томонида БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги резолюциясини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирилди.

Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш ва унинг иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Нарендра Модии Ўзбекистоннинг бу борадаги савдо-иқтисодий қўриғи баҳолади.

Ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш бўйича қўшимча чоралар кўришга келишиб олинди.

Учрашув очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

ГЛОБАЛ АҲАМИЯТГА ЭГА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ

Буюк Ипак йўлининг қоқ юрагида жойлашган, кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳри Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси муносабати билан ушбу ташкилотга аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар раҳбарларини, фахрий меҳмонлар ва халқаро ташкилотлар вакилларини ўз атрофига жамлагани, ШХТ саммити якунлари чет эл ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дунё нигоҳи

Тецужи ТАНАКА, Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти директори (Япония):

— ШХТнинг Самарқанд саммити ўзига хос тарихий воқеага айланди. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий қудрати жаҳон ялли ички маҳсулотининг 25 фоизига етди, баъзи ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб 35 — 40 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, Эроннинг ташкилотга аъзо бўлиши, шунингдек, Қатар ва Мисрнинг мулоқот шериклари сифатида иштирок этиши ШХТ тарихида муҳим бўрилиш нуқтаси бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев минтақада яхши кўнчилик ва хавфсизлик тизими мустаҳкамлаш борасида диққатга сазовор сиёсий йўлни тўтди. Бу эса унинг ташкилот ичидagi таъсири ва эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилди. Хусусан, 2017 йилдан 2021 йилгача Ўзбекистон Президентини ШХТ саммитларида 50 дан ортиқ муҳим тақдирлар билан чиқди, улардан 37 таси амалга оширилди ва 17 та ташаббус ижро жараёнида.

Глобал минтақавий ҳамкорлик ташкилоти сифатида тобора кенгайиб бораётган ШХТнинг халқаро миқёсда тан олинishi минтақада атроф-муҳит ва экотизимни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, Афғонистон иқтисодиётини барқарорлаштириш ва тиклаш чора-тадбирларини муҳофиза этишга хизмат қилмоқда.

Ички сиёсий вазиятни барқарорлаштириш ва қўшни Афғонистоннинг иқтисодий тикланишини қўллаб-қувватлашни кўнатиришга сезиларли таъсир кўрсатган ўзбек дипломатиясининг ижобий таъсири яна халқаро ҳамжамият ҳақида равишда эътироф этмоқда.

Моҳиб Аҳмад ХОН, “Atyab Foodtech” компанияси бош менежери (Ўмон):

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммити тадбирлари кенгайтирилди билан кузатиш бордик.

Глобал аҳамиятга эга бўлган ушбу анжуман дунёда кеңайиб мураккаб геосиёсий даврда ўтгани боис барчанing эътиборини ўзига торт-

ди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг ШХТга давлатий давомиди амалга оширилган салмоқли савдо-иқтисодий ва ташаббусларга дунё ҳамжамияти муносиб баҳо бермоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган пухта йўланган ички ва ташқи сиёсат мамлакат нуфузи нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда юксалишига сабаб бўлаётди.

Самарқанд саммитига келган жаҳоннинг етакчи давлатлари раҳбарларини яна мақсад — ШХТга аъзо ва унга ҳамкор мамлакатларда барқарорлик, хавфсизлик, иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, аҳоли учун қулай турмуш шароитини яратиш йўлидаги маслақ бирлаштириб турди.

Бундан ташқари, жаҳоннинг қарийб ярим аҳолиси истиқомат қиладиган давлатлар раҳбарларининг бу форматдаги учрашуви сўнги йўл ичида, яъни пандемиядан кейинги йилларда биринчи бор юзма-юз форматда ўтказилгани ҳам аҳамиятлидир.

Мухтасар айтганда, Самарқанд саммити очик, конструктив мулоқотларга бой бўлди. Мазкур анжуман глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ечим топиш, ташкилотга аъзо ва ҳамкор давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар янада мустаҳкамлашни, шунингдек, уларнинг муҳим келишувларга эришишлари учун қулай платформа бўлиб хизмат қилди.

Бехном ФАТХИХАЛЛАВ, “AMS Industrial Group” компанияси бошқаруви раиси (Эрон):

— Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон ШХТ доирасидаги шерикликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшгани баробарида, унинг халқаро бўлиши шундан кўрилади.

Ўзбекистон раҳбари томонидан ШХТ мақомида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини янада чуқурлаштириш, ўзаро транспорт-коммуникация алоқалари, камбағалликни қисқартириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маданий-гуманитар соҳада, соғлиқни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашда савдо-иқтисодий раҳбарларнинг ҳам иштироки ШХТга

раислигидаги асосий устувор йўналиш ва вазифалар қаторида турди.

Ўзбекистон ШХТга раислиги даврида ҳамжамиятнинг барча қиррасини қамраб олган 80 дан ортиқ тадбирлар ўтказилгани ҳамда кенг кўламада олиб борилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, Самарқанд саммитида имзоланган учун 40 дан ортиқ ҳужжатлар тақдим этилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айни пайтда ШХТ ҳудуд жиҳатидан ҳам, иқтисодий жиҳатидан ҳам қудратли ташкилотга айланиб бормоқда, шу боис бу ташкилотга аъзо бўлиш истаги кўпайиб давлатлар томонидан билдирилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Эроннинг ташкилотга тўлақонли аъзо этиб қабул қилиниши орқали ШХТ стратегик муҳим минтақа ҳисобланган Яқин Шарққа эшик очмоқда.

Ушбу саммитда Эроннинг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилингани биз учун жуда муҳим вақтга эришди. Анжуман доирасида Ўзбекистон ва Эрон ўртасида имзоланган салмоқли ҳужжатлар биз каби эронлик инвесторлар ва тадбиркорлар учун Ўзбекистон ҳудудида ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш ва жадаллаштириш учун жуда катта рағбатдир.

Константин ЗАРИПОВ, “MultiPass” компанияси бошқарувчи директори (Буюк Британия):

— “HSBC” халқаро банк-молия холдинги компанияси томонидан яқинда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти яқин ўн йил ичида энг тез ўсаядиган иқтисодиётлардан бири бўлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда бундай муваффақиятга эришиш учун барча зарур сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд.

Буюк Ипак йўли давридаёқ шаклланган Ўзбекистоннинг тарихий ўрни ўзаро манфаатли ривожланиш йўлидаги яхши кўнчилик, бир-бирини ҳурмат қилиш ва ҳамкорлик тамойиллари бизнинг давримизда ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон савдо таъминланишига бевоқифа жалб этилган бизнинг компаниямиз бундай ривожланиш учун катта салоҳиятни кўрмоқда, айниқса, мамлакатнинг иқтисодий муҳим хизматлар бозоридagi жадал ўсувчанлиги шароитида.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаол ўрни, шу жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотидек тузилмага муваффақиятли раислиги давлатнинг ўрни тобора юксалиб бораётганидан ҳамда мамлакатнинг тараққиёт йўлидаги қатъий мақсадга содиқ эканлигини яна бир бор далолатлади.

Ум Гу ХО, Ханьгун университети хузуридаги Осиё — Тинч океани минтақаси тадқиқотлари маркази директори (Жанубий Корея):

— Мен Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ҳамкорлик,

ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик тимсоли бўлган “Самарқанд руҳи”ни алоҳида таъкидлашни истар эдим.



Албатта, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусан, Афғонистонда тинчликни таъминлаш Самарқанд саммити кун тартибидagi муҳим масалалардан бири бўлгани эътирофга лойиқ.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатишига ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига ҳар томонлама кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кўнатириш ШХТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозимлигига алоҳида урғу бергани ҳам бежиз эмас.

Чунки расмий Тошкент Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида кўради ва Жанубий Осиё минтақаси билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамловчи кўприк бўлиши кераклигини мунтазам тарзда таъкидлаб келади.

Бугунги кунда нуфузи янада ортиб бораётган ШХТ доирасидаги нафақат кўп томонлама ҳамкорлик, балки давлатлар ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳам мустаҳкамланаётганини ва янги поғонага қуриляётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бунинг исботи сифатида саммит давомида Ўзбекистон — Хитой, Ўзбекистон — Эрон, Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг янги босқичи бошлангани айтиш мумкин.

ШХТ саммитида рақамли трансформация, “яшил энергетика” ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини олиқлайман.

Ташкилотга аъзо мамлакатларда “электрон ҳуқуқат”, рақамли иқтисодиёт, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълимни ривожлантириш миллий сиёсатининг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларида, хусусан, энергия самардорлиги, “яшил” ва кам энергияли технологиялар фойдаланиш аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш омиглари эканлигини яхши англашди.

Жанубий Корея Европадан Туркия ва Марказий Осиё орқали Жанубий Осиёга транспорт коридори лойиҳаси амалга оширидан жуда манфаатдордир. Саммитда Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар ва Керки — Ақина — Андой транспорт йўлларини яратиш масалалари муҳофиза қилингани ҳам жуда аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, транспортда рақамли технологиялар ва интеллектуал тизимлардан фойдаланиш кўламини кенгайтирди.

Хулоса ўрнида айтганда, ШХТнинг Самарқанд саммити ташкилотга янги руҳ бағишлади ва халқаро муносабатларни ривожлантиришнинг муқобил йўлларини тақдир қилди.

Ўзбекистон раҳбариятини ШХТга раисликни муваффақиятли амалга оширгани ва йирик тарихий саммитга мезбонлик қилгани билан табриқлаймиш.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзаро муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилгани асосида сиёсий-дипломатик, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада чуқурлаштириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Томонлар жорий йил 29-30 март кунлари Тошкентда олиб даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро мулоқотлар салмоқли даражада фаоллашганини мамнуният билан қайд этишди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо қўриқчиларида сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Хусусан, ўтган йили товар айирбошлаш 60 фоиздан ошди. Қўшма корхоналар сони 2 миңдан орти.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида ярим миллиард долларга яқин инвестициялар ўзлаштирилди.

Туркия компаниялари Ўзбекистондаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишга катта қизиқиш билдирилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, транспорт, электротехника, тўқимачилик ва чарм саноати, инновациялар, юксак технологиялар, туризм ва маданият соҳаларида янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Истиқболли йўналиш сифатида энергетика тармоғи алоҳида қайд этилди. Кейинги йилларда томонлар қарийб 1 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Учрашувда бўлажак тадбирлар, шу жумладан, Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг учрашуви ҳар доимигидек самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

САМАРҚАНД САММИТИ ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

Шу кунларда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг эътибори марказида бўлиб турибди. Сабаби юртимиз охириг уч йилда энг йирик тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитига мезбонлик қилди. Юксак даражада ўтказилган ушбу йирик форумнинг нуфузи нечоғли юқори эканлигини тасаввур қилиш учун саммитда 14 та давлат раҳбарлари ва 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар етакчилари иштирок этганини келтириш kifoya.

Қолаверса, у “пандемия танаффуси”дан сўнг ШХТ мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги дастлабки юзма-юз мулоқот эканлиги, унинг доирасида 40 дан ортиқ давлатлараро ҳужжатлар қабул қилингани саммит аҳамияти нақадар улкан эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Таҳлил

Жозибадорлик

Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келди — бир тарихий давр ниҳоятга етмоқда ҳамда башорат қилиш мумкин бўлган янги бир давр бошланмоқда.

Дарҳақиқат, Самарқанд саммити нафақат глобал миқёсда, балки ташкилот ичидagi вазият ҳесобини бўлиб турган мураккаб бир шароитда ўтди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон халқаро муносабатларини мустаҳкамлаш, айниқса, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши кўнчиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий алоқаларни яхшилаш борасида муҳим кўприк вазифасини ўтай олди. Бу эса халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ҳамкорликнинг “Le Figaro” нашрида ШХТнинг Самарқанд саммити Ўзбекистон дипломатиясининг ёрқин ғалабаси сифатида талқин этилмоқда. “ШХТ кўламини бўйича БМТдан кейин турадиган йирик минтақавий тузилмадир.

ШХТ Европа Иттифоқи сингари сиёсий ташкилот ҳам, НАТО каби ҳарбий блок ҳам эмас. ШХТда Ўзбекистон алоҳида ўринга эга. Ташкилотга яқинга қадар Ўзбекистон вакили, ҳозирда мамлакат ташқи ишлар вазири Владимир Норов раҳбарлик қилди, саммитнинг Самарқандда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бу Ўзбекистоннинг катта дипломатик ғалабасидир”, деб ёзади нашр шарҳловчиси.

Эътироф этилганидек, бундан 21 йил му-

қаддам асос солинган мазкур тузилма улкан географик маконни қамраб олган. Аъзо мамлакатларнинг умумий майдони 34 миллион квадрат километрдан зиёд бўлиб, бу Европада кўпчилигининг 60 фоиздан кўпроғига тенг, деганидир. Ушбу ҳудудда сайёра-маъ аҳолисининг қарийб тенг ярми истиқомат қилади. Ташкилотнинг иқтисодий салоҳияти ҳам чакана эмас. Унга аъзо давлатлар ялли ички маҳсулотининг умумий ҳамжи жаҳон қўриқчиларининг қарийб чорак қисмини ташкил қилади.

ШХТ турли блоклардан ҳоли макомга эга экани, очиклик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, икки ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва иттифоқли рақибликка йўл қўйма-лик тўғрисидаги унинг жозибадорлиги тобора ортимоқда. Натияжада унга қўшилиш истаги-даги давлатлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётди. Ҳиндистон ва Покистон ҳисобига ушбу ташкилот яқин келажақда Яқин Шарқ тарафга ҳам кенгайиши кутилган.

Эътиборлиси, Самарқанд саммити доирасида Эрон Ислам Республикасининг ШХТга аъзо давлат макомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланди. Унда кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилгач, Эрон ҳам ШХТнинг тўлақонли аъзосига айланади.

“Эроннинг иштирокчи давлатлар гуруҳи-га кириши Шанхай ҳамкорлик ташкилотини мустаҳкамлайди”, деди ШХТ Бош котиби Чжан Мин.

Шу билан бирга, Миср Араб Республикаси ва Қатар давлатига мулоқот бўйича шериклар мақоми берилди. Миср Республикасига ШХТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувейт, Мальдив Рес-

Ишонч

Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали концептуал мақоласида таъкидланганидек, халқаро ҳамкорликнинг универсал принципи ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири — глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга оз тутаетгани билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, геосиёсий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, “блокларга мансублик” стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон охириги бир йилда ШХТ маконда ҳамкорликнинг бирини шартли бўлган ўзаро ишонч руҳини уйғотиш ва мустаҳкамлаш йўлида мисли қўрилмаган ишларни амалга оширди. Пандемия ва глобал инкироқ оқибатларига қарама-қаршиликлар ва мажбурият кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўпайиб ташкилот кучайганига яна бир бор урғу берди.

“Ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда тобора ортиб бор-

моқда. Шу муносабат билан очик ва конструктив мулоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилмоқда. Ташкилотнинг фаолияти шундай мулоқотни амалга ошириш мумкинлигини дунёга намоян этмоқда”, деди давлатимиз раҳбари.

Хавфсизлик

Давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик муҳитининг таъсири, аввало, савдо-иқтисодий соҳаларда кўзга ташланади. Мана, дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуролчи моҳорлар охири-оқибатда савдо ва инвестиция оқимида издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни янада кенейилтирмоқда.

Айтиш жоизки, сайёрамиз аҳолиси 8 миллиардга етаётган ҳозирги пайтда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш минтақавий хавфсизликдан кам аҳамиятга эга эмас. Ахир доно ҳақиқатли топил айтгандак, “То-моқчи ямаб бўлмайди”. Бунинг маънисини тўқчилликка улғайган бугунги авлод учун дардан англамас. Аммо йўқчилик ва қаратчилик азобини тогган катта авлод ўз таналарида чуқур ҳис этадилар. Чунки улар қорни оқ одам таомдан бошқа нарсадан хузур-ҳаловат топмаслигини жуда яхши билади.

Шуқри, юртимиз бозорлари-ю катта-ки-чик маркетлар истеъмол неъматлари билан тўла. Бирок бу тўқчиллик хотиржамликка асос бўла олмайдими. Бугун дунёда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, айрим давлатлардаги сиёсий бекарорликлар, жорий этилаётган иқтисодий чекловлар, экспортга қўйилаётган чегаралар — буларнинг оқибатида кўпайиб жойларда муҳим истеъмол товарлари етиш-мовчилик, нарх ўсиб бориши кузатилмоқда. Халқаро экспертлар фикрларига кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши мумкин.

Ҳозирги глобаллашув ва кучли иқтисодий интеграция шароитида глобал аҳамиятга эга бўлган масалалар деярли йўқ. Муаммо қандай қуринишда бўлмасин, таъ-сир, албатта, сезилади. Ифтихон, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳам.

Халқаро агентликлар хабарига қараганда, бу йилги деҳқончилик мавсумида Европа мамлакатларида кузатиладиган қурғоқчилик ва Украина инкирози тўғрисида тахминан 3 миллион тонна дон йўқотилган. Қурғоқчи-лик оқибатида бугунги ҳосили Венгрияда

11 фоиз, Руминияда 20 фоиз, Болгарияда 11 фоиз камайган. Франция, Польша, Молдова ва ҳатто Италияда ҳам галла ҳосилининг катта қисми бой берилгани ойдинлашмоқда.

Қишлоқ хўжалигида кузатилган яна бир муаммо — азотли ўғитлар тақчиллиги ва уларнинг нархи ошиб кетганлигидир. Бу нафақат Европа, балки Осиё мамлакатларида иккинчи экин бўлган шולי етиштириш ва унинг ҳосилига хавф туғдирилмоқда. Масала, Таиландда шолзорларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг имкони бўлма-япти. Хитой ва Ҳин

ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР АЪЗО ВА КУЗАТУВЧИ ДАВЛАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сир эмас, кейинги йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти шиддат билан ўзгариб бораётган замонavi дунёнинг энг долзарб муаммоларини самарали ҳал қилиш, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга катта ҳисса қўшиб келаётган нуфузли халқаро ташкилотга айлиниб улгурди. Бу тузилма 1996-1997 йиллари "Шанхай бешлиги" номи билан ташкил этилган ҳамда 2001 йили Ўзбекистон унга аъзо бўлиб кириши билан "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти" номи оlingан. Унинг асосий мақсади аъзо давлатлар ўртасида ўзаро дўстлик, ишонч ва яхши кўнчилилик ришталарини янада мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, хавфсизлик, энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа устувор соҳалардаги самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир.

Мушоҳада

Шу ўринда ШХТни бошқа минтақавий ва трансминтақавий халқаро ташкилотлар билан солиштиришдан бўлсақ, у ниҳоятда катта куч, салоҳият ва имкониятга эга эканига ғувоҳ бўламиз. ШХТга аъзо давлатларнинг икитаси, яъни Россия ва Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари. Дунё аҳолисининг деярли ярми ШХТ мақомида истиқомат қилади. Унга аъзо давлатларнинг умумий майдони Евроосий ҳудудининг 60 фоизини эгаллайди. Бу давлатларнинг ялпи ички маҳсулотини ҳажон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 24 фоизини ташкил қилади. Мазкур ташкилот доирасида Ўзбекистон 4 марта раислик қилмоқда. Бундан олдин мамлакатимиз 2004, 2010 ва

2016 йилларда шундай масъулиятни муваффақиятли уюлган. ШХТнинг Марказий Осиёдаги янги жараёни қўллаб-қувватлаши минтақа учун ҳам, тузилма қамраб оладиган ҳудудларнинг барқарорлиги, ўзаро манфаатли ришталарини ва самарали ҳамкорлик мақомига айлантириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистоннинг ташки сиеёсатида ШХТ алоҳида ўринга эга. Унга аъзо давлатлар ўзбекистоннинг яқин кўншилири ҳамда стратегик шериклари ҳисобланади. Тузилма доирасидаги ўзаро дўстлик ҳам кўп томонлама минтақавий, ҳам минтақаларо алоқаларни мустаҳкамлашга, ушбу давлатларнинг ҳар бири билан муносабатини ривожлантиришга хизмат қилади. Маълумки, минтақавий хавфсизликни

кафолатлаш, терроризм, экстремизм, айирмачилик ва гeнxвандлик моддаларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш ташкилотнинг асосий вазифалари сирасига киради. Шу боис ҳам Ўзбекистон бу нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида у билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Президентимиз 2020 йил январь ойида Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида таъкидлагандек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан алоқаларини ривожлантириш Ўзбекистон ташки сиеёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади. Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда ШХТ доирасидаги фаолиятини ташаббускорлик ва прагматизм тамойиллари устувор бўлиб бораётгани билан ифодаш мумкин. ШХТ доирасида миллий манфаатларимизга жавоб берадиган кўп томонлама ришталарни кенгайтириш бўйича илгари сурилган тақлиф ва ташаббусларимиз минтақадagi барқарорлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларига тўлиқ мос келади. Утган даврда Ўзбекистон томони ШХТ доирасида 54 та ташаббуси илгари сурди. Бу анча салмоқли ва катта қўрсаткич ҳисобланади. Энг муҳими, Ўзбекистон ташкилот доирасида 5 та ташаббусларини шунақа эълон қилмай, балки уларни амалга оширишга қўшма қўлларни қўйган фаол жорий эътиётини билан ҳам ажралиб туради. ШХТнинг халқаро майдонда таъсири

ўсиб бориши билан минтақадagi бошқа давлатларнинг ҳам бу ташкилот фаолиятида иштирок этишга бўлган қизиқиши ошмоқда. Шу қўнғача 8 та мамлакат ШХТнинг доимий аъзоси, 4 та давлат (Беларусь, Афғонистон, Эрон, Мўғулистон) кузатувчи мақомига эга, 6 та мамлакат (Туркия, Озарбайжон, Непал, Шри-Ланка, Камбоджа, Арманистон) мулоқот бўйича ҳамкорлик саналади. Бундан ташқари, дунёнинг кўпгина давлатлари ташкилотга аъзо бўлишга қизиқиши билдириб келмоқда. Шу ўринда мазкур тузилманинг Ўзбекистон раҳбарлигида ташкил этилган Самарқанд саммити ҳақида тўхталмоқчимиз. Саммитда 14 та давлат раҳбарлари ва 10 дан ортiк халқаро ташкилотлар етакчилари иштирок этди. Муҳими, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги доирасида мамлакатимиз томонидан ўтказилган 80 дан ортiк тадбирларнинг манتيқий натижаси ўлароқ Самарқанд саммитида давлатлараро 40 дан ортiк ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар орасида минтақавий савдо, саноат кооперацияси, транспорт алоқаларини рағбатлантириш концепцияси ва дастурлари ҳам бор. Қолаверса, "яшил иқтисодиёт", инновациялар, рақамли технология, логистика, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа йўналишлардаги қўшма лойиҳа ҳамда тадбирлар ўрин олган. Саммитнинг яна бир муҳим воқеалиги сифатида Эроннинг ташкилоти аъзо бўлиб киришини келтириш мумкин. Не-

гаки, бу ШХТнинг нуфузини янада оширишдан ташқари, дунёдаги ўрнини ва таъсирини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Саммит доирасида Президентимиз ва мамлакатимизга ташриф буюрган барча давлатлар раҳбарлари ўртасида икки томонлама ҳамда ишчан кайфиятда утгани, эришилган келишувлар ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар тараққиётига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Аслида, ундан кутилган натижа ҳам шундан иборатдир. Шулар асосида айтиш мумкинки, Самарқанд саммити ШХТ фаолияти самардорлигини янада ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим келишувларга эришилган улкан анжуман сифатида тузилма тарихидан мустақам ўрин эгаллади. Ва умуман, Самарқанд саммитини Ўзбекистоннинг улкан дипломатик ғалабаси бўлди, дейиш мумкин.

Абдугани САҢГИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Фикр

15-16 сентябрь кунлари қадимий ва ҳаммиса навқирон Самарқанд шаҳри Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлисига мезбонлик қилди. Ушбу нуфузли анжуман пандемия бошлангандан буён сўнгги уч йилда илк бора юзма-юз мулоқот шаклида ўтказилди.

ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАБУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Саммит йилнинг энг йирик дипломатик воқеаси бўлиш билан бирга, кўпгина давлат етакчиларини бир шир остида янада бирлаштириб, ШХТ расмий алоқалар ўрнатган халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларини ҳар томонлама мустақам алоқаларни йўлга қўйишга ундади. Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқида бир қатор муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. "Шанхай руҳи" тамойиллари асосида бир-дамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ҳамда шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланганини айтганда, фақат шу йўл билангина ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонлигини таъминлашнинг мумкинлигини таъкидлади. Айниқсан, ушбу принциплни ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШХТни 2040 йилгача Ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришиш ҳақидаги тақлиф ташкилот аъзолари томонидан қилиниб кўрилади. Зеро, ушбу дастуриламал ҳужжат кўп қирралли

ҳамкорликнинг барча ҳоҳасини қамраб олади ҳамда ШХТни уқуқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ШХТ доирасида университет ректорлари форуми, маданий ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ҳамда университетлар сингари қўшма форматларни таъсис этиш тақлифи билан чиқди ва бу ғоятда муҳим ташаббус бўлди. Шу нукта назардан айтганда, Самарқанд саммитида қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорлар мамлакатлар тараққиёти ҳамда фаровонлиги, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш йўлида ташкилотнинг фаолиятини янада юксалтиришга хизмат қилади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Умуман олганда, Самарқанд саммити Ўзбекистоннинг дўстлик ва оқиллик асосланган фаол ташки сиеёсатининг манتيқий давоми бўлишига ишончимиз қомил.

Назир СОБИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЎЗАРО ҲУРМАТГА АСОСЛАНГАН МУЗОКАРАЛАР

Шиддат билан ўзгариб бораётган замонда ўзининг кўпгина манфаатлари билан ҳаракат қилаётган дунё давлатлари барқарор ва хавфсиз ривожланиши учун бир-бири билан доимий мулоқот қилиши ғоят муҳим. Бойси ҳеч бир мамлакат иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг тугаб бориши каби замоннинг энг долзарб муаммоларини яққа ўзи ҳал этолмайди.

Қўнғил назар

Давлатлар ўртасидаги тафовутларни бартараф қилишда ва ҳамкорликка эришишда турли регионал ва халқаро ташкилотларнинг ўрни бекиёс. Шундай ташкилотлардан бири қисқа вақт мобайнида ўзини кучли регионал халқаро тузилма сифатида танитиб, кўпгина давлатлар назарига тушган Шанхай ҳамкорлик ташкилотидир. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ШХТга аъзо бўлган давлатларда бугунги кунда 3,5 миллиардга яқин аҳоли яшайди, бу эса дунёнинг қарийб 50 фоиз аҳолисини ташкил

этиди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий майдони Евроосий ҳудудининг 60 фоизини қамраб олади. ШХТ тузилмандан кейин унинг нуфузи тинчликпарвар тузилма сифатида ошиб бораверди. Чунки у барча давлатларни ўз олдига қўйилган вазифаларни фақат дипломатик йўлар билан ҳал қилишга, ўзаро ҳурматга асосланган конструктив мулоқотга қақриб келмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — маданий-цивилизация қарашлари турлича, ўз ташки сиеёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга бўлган мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатларро тузилмадир. Ўзбекистон бир йил мобайнида ШХТга раислик қилар экан, тузилманинг нуфузини ошириш, халқаро ҳамкорлар учун ташкилот жозибадорлигини қўрсатиш мақсадида кенг қамровли ва жиддий иш олиб борди. Кеча Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, ушбу саммит тарихий воқеалигини, бу ташкилот келажак ва ШХТ минтақаси тақдирини белгилаб берадиган қўшма қарорлар қабул қилиш имконияти эканлигини билдириди. Давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, Ўзбекистон ташкилотга раислиги даврида 80 дан зиёд йирик тадбирларни ўтказди. Пандемия ва бошқа муаммоларга қарамай ҳар томонлама ҳамкорликнинг барча

йўналиш ва соҳалари қамраб олинди. Шунингдек, 40 дан ортiк битим ва қарорлар, ўзаро ҳамкорлик, саноат кооперацияси, "яшил иқтисодиёт", рақамлаштириш ва савдо соҳасидаги концепциялар ва дастурларни ўз ичига олган ҳужжатлар тўплами имзолаш учун тайёрланди. Энг муҳими, "ШХТ катта оиласи"га янги аъзолар — мулоқот бўйича кузатувчи ва ҳамкорлар қабул қилинмоқда. Бу, ўз наъбатида, Евроосийда кўп қиррали ҳамкорликни тубдан кенгайтириш учун катта имконият, демек. Умуман олганда, Самарқанд саммити Ўзбекистонга, минтақадagi ҳамда дунёга наф қелтирди ва ташкилотнинг минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ҳамда ҳамкорлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди.

Ноҳира ЖОНИБЕКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 115 йиллиги АДАБИЁТНИНГ «АТОМИ»НИ ТОПГАН АДИБ

Адабиёт ёхуд санъатнинг йирик вақиллари ҳусусида сўз кетса, мутахассислар асарият ҳолда иқдоқдор меросининг серқирраллиги, унинг тафаккури ҳаётнинг турли жабҳаларини қамраб олганини таъкидлайдилар. Аслида, бошқача ҳам бўлиши мумкинми? Мазмун-XX аср ўзбек насрининг таниқли намоёнаси Абдулла Қаҳҳор яратган асарлар ҳам ўзининг айнан мана шу жиҳати тўғрисида яна неча асарлар, не-не авлодлар эътиборини тортараверади. Модомики, шундай экан, биз бугун адиб чуқур тадқиқ қилган инсон табиатининг фақат бир жиҳати, шу тахилларидан келиб чиқиб илгари сурган, то қўямат қадар долзарблигини йўқотмайдиган айрим қарашлари ҳусусидагина қисқа мулоҳаза юритаемиз. Ўзининг 1929 йилда — 22 ёшида "Бошсиз одам" номили ҳажман мўъжаз ҳикоя ёзади ва у "Ер юзи" журналида босилиб чиқди. Асарнинг қиссача мазмуни шундай: икки қизи билан бева қолғач, қўллаб совчиларга рад жавобини берган Нисо буви ўлган хотинидан Фаҳриддин исмли бир ўғил қолган уста Абдурахмонга тегишга рози бўлади. Орадан ўтган тўққиз йил ичида улар яна тўрт фарзанд қўради. Хотинининг қизларини тинимсиз калтаклаб ҳузур қиладиган уста Абдурахмоннинг зугуми билан Нисо бувининг катта қизи Меҳроб устанинг думбултабиат ўғлига Ниҳонга берилади. Жоҳил отаси имзидан қиймайдиган, бирор масалада мустақил фикри бўлмаган, пасли лаби дом овсарларча осилиб турадиган Фаҳриддиндан невара қўришни хоҳламаган Нисо буви бир амаллаб ҳомилини ноҳуд бўлишига эришади. (Ҳикоянинг бу жиҳати алоҳида му-

хоқама мавзусики, биз ҳозир бу масалага тўхталиб ўтирмаймиз!) Касалхонага хотинини қўрган бориш учун ҳам отасидан пул ва тегишли йўл-йўриқ олган Фаҳриддин жарроҳликдан аранг тирик қолган хотинининг ҳомили бошсиз экани ҳақидаги гапини ошитиб: "Ие, боланинг ҳам боши бўлмайди, дадамдан сўрай-чи..." дейишга ярайди, холос... Биз мазкур ҳикояни Абдулла Қаҳҳор бор-йўғи 22 ёшида ёзганига бежиз урғу бермайлик. Зеро, иқдоқдор ана шу ёшданок одам боласининг инсон бўлиб вояга етиши, шахс сифатида шаклланиши қанчалар муҳим масала эканини ич-ичидан ҳис қилган эди. Агар инсоният тарихига, мамлакатлар ва миллатлар тақдирига назар ташласак, қўрамизки, қаердаки халқ вақилларининг маърифий, маънавий ҳамда иқтисодий дунёқарши оқсак ва соғлом бўлса, уша ерда тараққиёт ҳамда фаровонлик, ақс ҳолатларда эса қашшоқлик, мугелик, хорлик ва зорлик бўй-бастил билан намоён бўлади. Улуғ Абдулла Қодирининг шафқатсиз эътирофи билан ифодалаганда, "тарихимизнинг энг кичи ва қора кунлари бўлиши кейинги хон замонлари"нинг ҳам аччиқ сабоғи шундан далолат беради. Ҳикоядаги Нисо буви қизларини ўқитиш бермоқчи бўлганда, уста Абдурахмон: "Ҳа, Розик яқомқининг қизлари ўқиб шаҳар олиб

берармиди?!" дея жеркиб ташлайди. Ўзиндан туралган ўғил Фаҳриддиннинг эса аҳоли йўлида: мана шу жоҳил, бешафқат, аёл эотики одам ўрнида қўрмайдиган отаси нима деса, қиприқ қўймай адо этиди, демаса, бирор ишни ўзи мустақил қилмайди, бирор фикр ўзидан чиқмайди. Оилада ҳўм сурган мана шу фикрий мулкчи, рўқий қўллик, зорлим бошқарув ўз натижасини узок куттирмайди: набирва — наслин давом эттирмоғи керак бўлган зурриёт, мустақил фикрсиз Фаҳриддиндан туралган бола умуман бошдан ҳам маҳрум яралмай! (Бу қўрғилдаги Нисо бувининг "ҳиссаси", айтганимиздек, алоҳида муҳожама мавзусидир!) Ўзунинг қилган ишорани зийрак ўқувчи тез илғайди, албатта: аслида бошсиз одам — ноҳуд бўлган ҳомилига эмас, балки кап-катта, уйланиб оила қўрган Фаҳриддин ҳамдир. Гарчи унда хисмоний бот бус-бутун бўлса-да, одамни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи ақлу тафаккур, уларнинг муҳим махсули — мустақил, индивидуал фикр, шахсий дунёқараш мултоқ юй! Ўзунининг, ўз ибораси билан айтганда, "адабиёт думовогойлиги" улардан бу хилдаги адабий қарамонларни сафи кейин ҳам тўлиб борган. Хусусан, ўтган асрнинг 30-йиллари давомида алоҳида китобчалар тарзида ("Қўзғалиш", "Саримсоқнома"), 1937 йилда эса ўқувчилар эътиборига тўла

ҳолда ҳавола этилган "Сароб" романидаги алоҳида бир бобда шу тилдаги яна бир инсон тақдирини ҳикоя қилинади. Худди ёзувчининг ўз отаси — Абдуқаҳҳор уста сингари баҳордан қишга қадар қишлоқма-қишлоқ кезиб темирчилик қиладиган қишнинг Саримсоқ исмли ўғилчаси бор. Қунларнинг бирисида улар бориб ўрнашган қишлоқ четида бир бой ўз ёнидан дов тики, қишлоқ полвонларини қурашга солади. Аввалига ўғли билан бир четда курашини томоша қилиб ўтирган темирчининг ҳам гайрати ҳўшиб, ўртага қишлоққа журбат этиди. Темирчилик оқиёсида мейндек қотган биллак-қўлларга, унча-мунча оғирлик қон қилмайдиган жисму жонга эга бўлган темирчи боғий кишлоқнинг манаман деган полвонларини енгиб, аначигна совринга ҳам эга бўлади. Келгинди бир темирчининг бу ютқларидан ичида мудраб ётган ваҳший тўғилари қўзғалган бой бой қўшни қишлоққа — ҳали одам боласи енга олмаган, "Қўтос" лақаби биланонин тез топиб келмишга одам юборади. Маймункидеқ узун, жун босган забардаст қўлларни икки ёнга селкилатиб қалаётган "Қўтос"ни узокдан қўрган темирчининг уни енга олмаслигига қўзи этади, албатта. Бироқ бойнинг зўрлови билан у майдонга тушишга мажбур бўлади. Бинобарин, бой қурашга чоланган "Қўтос"нинг қўлига бир нима ларни ўқтиради ҳам...

Ҳар жиҳатдан нотенг, адолатсиз бу олишувда темирчи жонини сақлаб қолш учун майдоннинг юмшоқроқ ерида бир неча марта йиқилиб беришга уринса-да, шафқат қўнча устан ўлмаган, бойнинг айтган ҳўқмини охирига қадр тўла адо этиш истагидаги "Қўтос" уни обдан холдан тойдирган, зич бўлиб қотиб кетган ерга темирчинин боши билан гуриллатиб яриб, зил-замбил оёғининг "темир" тиззалари билан қўқрагидан босиб ҳам тушади... Атрофида йиғлаб чинқираётган ўғлига сўнгги бор темирчинга қўйи темирчи қон қусиб жон беради... Етимча Саримсоқни бой ўз уйига — қўнҳизматкор қилиб олиб кетади. Унинг ўзи бош бўлиб, бири-бирдан танитқ, таннос хотинлари ҳам болани туңу қун ўрпаб, маъзалашади. Норасидан нуқул алдашиб: "Ана, отанг келди — мана, отанг келди" дея масхараляб, устидан қилишади. Нати-

...Адибнинг 1968 йилда чоп этилган "Ёшлар билан сўхбат" китоби охиридан жой олган "Ён дафтардан" деган бўлимада, хусусан, қуйидаги мулоҳазалари бор: "Етувенчока сингари шоирлар, ёзувчилар кўнгида борини айтаётибди, холос, шунга шунча шовқин? Ахир булар кесак эмас-ку, ўт чикса нима қилти?!" ёхуд "Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!"

Тан олайлик: жафокаш адибнинг бу гаплари унинг нақадар мардонавор ва жасоратли шахс бўлганлигини қўрсатади.

Раҳмон ҚҶҶОҚ, адабиётшунос.

Муносабат

Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити бугунги кунда жаҳонда юз бераётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инқирозлар жараёнида давлатлар ўртасидаги хар томонлама ҳамкорликни ривожлантириб, инқирозни юмшатиш ҳамда мамлакатлар тараққиётига муҳим аҳамият касб этиши кутилмоқда.

ЕВРООСИЁНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ЭНГ КАТТА СИЁСИЙ ФОРУМИ

Бу бежиз эмас. Негаки, мазкур саммитда дунёда юқори мавқега эга бўлган давлатлар раҳбарлари бир ерга жам бўлиб, юқориде айтилган муаммолар юзасидан фикрлашди. Шу маънода, анжумани Евроосийнинг сўнгги йиллардаги энг катта сиёсий форуми, дейиш мумкин. Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти том маънода, дунёдаги энг йирик минтақавий тузилмалардан биридир. Унга аъзо давлатлар умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ортади. Бу Евроосий қитъасининг 60 фоиздан зиёд ҳудуди, дегандиган ШХТ мамлакатлари умумий аҳолиси дунё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади. 2021 йилда аъзо давлатларнинг, Эронни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, умумий ЯИМ иккидори 23,5 триллион долларни, яъни жаҳон ЯИМнинг 24 фоизини ташкил этганини бошқа давлатларнинг бу тузилма билан ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқиши тобора ортиб боришга туртки бермоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд саммити арафасида матбуотда эълон қилинган мақолада анжуманнинг долзарблиги ва аҳамиятини чуқур тахлил қилиб берган. Унда таъкидлагандек, дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қўрқоли мижозлар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ҳамда энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни янада кескинлаштирмоқда. Бу инсоният тақдирига таҳдид соломқда, уларнинг турмушини оғирлаштириб, даромад манбани қисқартирмоқда.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нуسخада босилди, ҳажмин — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетанин ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-қўнғил телефоннинг орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девоноҳона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. ISSN 2013-0178A. "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: Буок Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 01.45 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6